



Ислом Нури

...
...» :...
...
...)

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Уйларингизни қабристон қилиб қўйманглар. Албатта, шайтон Бақара сураси ўқиладиган уйдан қочади» (Имом Муслим ривояти).

...
:...
...»
...
...
...
...
...
...
...
...
...
...
...)

Абу Умома ал-Боҳилий розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Икки нур сочувчини - «Бақара» ва «Оли Имрон»ни ўқинглар. Чунки, у иккаласи қиёмат куни иккита булутдек ёки саф тортиб келувчи икки гала қушлар каби ўз эгаларини ҳимоя қилиб келади. «Бақара» сурасини ўқинглар, чунки уни олиш барака, тарк қилиш ҳасратдир, унга сеҳргарлар қодир бўлмайди», дедилар (Муслим ривояти).

...



Ислом Нури

«...» :...
...)

Абу Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: «Ким кечқурун Бақара сурасининг охирги икки оятини ўқиса, бу унга (шу кечада ёмонликлардан ҳимояланишига) кифоя қилади» (Имом Бухорий ривояти).

Шарҳ:

Бақара ва Оли Имрон суралари Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ўқишга тарғиб қилган ва ўқиган кишига кўп ажрлар берилишини ваъда қилган, бу иккисини ўқишда дунё ва охират яхшиликлари ҳосил бўлишини хабар берган улуғ суралардандир.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Бақара ва Оли Имрон сураларининг фазли;
2. Бу икки сура қиёмат куни ўз эгаларини ҳимоя қилишади;
3. Бақара сурасини ўқиш уйдан шайтонларни қувади;
4. Бақара сурасининг охирги икки оятининг фазли.